

ДАВРОН МУИТОВ

АХБОРОТ АСРИДА
ЁШЛАРНИНГ
ДУНИЁҚАРАШИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ДАВРОН МУИТОВ

АХБОРОТ АСРИДА ЁШЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИ

SamDTU
axborot-resurs markazi

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2013

УЎК: 37.017.92

КБК: 74.204.4

М 81

Бутунги ахборот асрида ёшларнинг дунёқараши, онгу тафаккурини эгаллаш учун курашда мафкуравий рақобат муаммолари алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мазкур рисола ана шундай мураккаб шароитда кечаётган глобаллашув тенденцияларини тадқиқ қилиш орқали ёшларнинг дунёқараши мавзусига чуқурроқ ёндашиш, шунингдек, ахборот алмашиш кескин тезлашиб бораётган даврда инсоннинг эзгу фазилатларини сақлаб қолиш, гуманизм, табиат, сиёсат ва ахлоқ билан боғлиқ ҳис-туйғуларимизни, тассавур ва тушунчаларимизни илмий англаш, шу асосда муайян илмий-назарий қарашларни шакллантириш йўлидаги изланишлар натижасидир.

Рисола ўқитувчилар, талаба ва тадқиқотчилар ҳамда ҳозирги маънавий-мафкуравий жараёнларга қизиқади-ган китобхонлар учун мўлжалланган.

М 4702620204-15
М25(04)-13

ISBN 978-9943-04-222-3

© «Маънавият», 2013

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улгайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ислом Каримов

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИНИНГ ЎЗИГА ХОС МУАММОЛАРИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Тарихдан яхши маълумки, дунёга ҳукмронлик қилиш гоёси ҳамма замонларда ҳам бўлган. Бугунги кунда у янгича кўринишда намоён бўлмоқда. Бу борадаги кураш эндиликда фақат моддий бойликлар учун эмас, балки маънавий-интеллектуал бойликларни эгаллаш учун ҳам шиддатли равишда кечмоқда. Ёшлар, ўз-ўзидан равшанки, айна шу маънавий-интеллектуал бойликни асраб-авайлаб, янада кўпайтириб, келажак авлодларга етказадиган кучдир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлардан барчамиз хабардормиз. Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа вақт ичида давлатнинг ёшлар соҳасидаги сиёсати шаклланиб, изчил ва самарали олиб борилмоқда. 1991 йилдан бошланган ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий талабларини ўзида акс эттирган ривожланиш стратегияси ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонунларнинг қабул қилинишига асос бўлди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бирорта йўналиши йўқки, у ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлмасин. Бу борада айниқса 1997 йилдан буён ҳар бир йилга алоҳида ном бериб келинаётгани, хусусан, 2008 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ёшлар йили», 2010 йил – «Баркамол авлод йили», 2012 йил – «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши ва ҳар қайси йил бўйича давлат дастурларининг қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги устувор таъмоийилларни амалга оширишда муҳим босқич бўлди. Бугунги ахборот асрида давлатимизнинг ёшларга оид давлат сиёсати ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад асосига қурилиши халқимизнинг фарзанд тарбиясидаги асрий орзу-интилишларининг ифодаси сифатида гоят муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон геосиёсатининг бугунги таҳлили шундан далолат берадики, тигиз ахборотлашган жамият шароитида кучли рақобат юзага келмоқда, аҳоли, айниқса ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган хавф-хатарлар кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ахборот асрида ёшлар дунёқарашини соғлом асосда шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалаларини илмий асосда ўрганиб, зарур хулосалар, керакли услубий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур рисола айнан шу мақсадда эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда хориждаги ай-рим етакчи оммавий ахборот тармоқларида вайронкор гоёларни тарқатиш орқали ёшларга зўравонлик, шафқатсизлик, ҳаёсизлик каби нохуш ҳиссиётларни сингдириш каби салбий тенденциялар кучаймоқда.

Агар Афғонистон ва баъзи араб мамлакатларидаги қарама-қаршилик ва тўқнашувларнинг геосиёсий моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, улар ҳам аслида дунёдаги турли кучлар ўртасида ахборот курашининг кучайгани туфайли авж олаётганини кўрамиз. Бундан хулоса шуки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалалари ҳозирги вақтда ўзаро гоёл боғлиқ бўлиб бормоқда.

Мана, масалан, гарб индивидуализми оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилиб, дунё ёшлари онги ва қалбида ўз асоратини қолдирмоқда. Юртимиз оммавий ахборот воситаларида ана шундай хавф-хатарлар, хусусан, «оммавий маданият»нинг зарари ҳақида кўплаб эълон қилинаётгани эътиборли, албатта. Уларнинг айримларида янгиликларни бир зумда ўзлаштириб, ахборотни тез қабул қиладиган ёшлар қатламига «деструктив культ», паратоталитар, неонацистик руҳдаги гоёларни сингдириш бўйича хорижда шакланган зарарли тенденциялар атрофлича таҳлил этилган¹. Масалан, 2012 йилда

¹ Ф. Мухамеджанова. Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти. Тўплам. Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Т., 2012, 32-б.

«Тотенхэм» (Англия) ҳамда «Лацио» (Италия) футбол жамоаларининг учрашувида футбол фанатлари тўқнашуви туфайли миллатчилик, анти-семитизм ва ирқчилик ҳолатлари юз берган эди. Россия пойтахти Москва шаҳридаги Манежная майдонида эса футбол фанатларининг миллатчилиги оқибатида қонли фожиалар юз бериб (2010 йилининг декабри), ушбу давлатдаги миллатлар-аро муносабатларни жуда мураккаблаштирган эди.

Европада эса 2012 йилнинг сўнги ойларида исломий қадриятларни, мусулмонларнинг диний ҳиссиётларини камситишга қаратилган фильм пайдо бўлди ва у турли қарама-қаршиликларни кучайтириб юборди, яна бир бор жаҳон ҳамжамиятида салбий ахборот тўлқини тўғрисидаги баҳс-мунозаралар авжига чиқди. Қадимда ҳарбийлар юриш қилиб қўйганидан сўнг дипломатия ўз имкониятини намоиш қилган бўлса, бугун мутлақо бошқа вазият – ҳар бир ахборот хуружи ва мафкуравий таҳдиддан кейин албатта катта сиёсат дунёси ўзига мослаб ўз сиёсатини ахборотлар оқими орқали ёйишга киришмоқда.

Айниқса, Миср, Сурия, Ливия, Афғонистон билан боғлиқ ахборот маконидаги геосиёсий рақобат ахборот хавфсизлигини таъминлаш доирасидаги тадқиқотларни тезлаштириши керак. Чунки, бундай мураккаб шароитда баркамол авлодни тарбиялаш – барча ахборотлар тизимларининг ҳимояланиш даражасига боғлиқ эканини яхши биламиз. Яъни, мазкур шароитда асосий иқтисодий, сиёсий, таълим-тарбия, ҳарбий

ҳамда мамлакатнинг миллий манфаатларига зид келадиган ахборот таҳдидларини бартараф этиш, ахборот тизимларига ноқонуний суқилиб киришларнинг олдини олиш учун қатъий чора ва тадбирлар кўрилиши талаб этилади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш худди шундай таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш механизмининг амалдаги ифодасидир.

Ҳозирги кунда Европани паневропа телетармоғи, Ал-Жазира панараб медиакомплекси, бир қатор Россия телеканаллари тобора оммалашиб бормоқда. Тадқиқотларда мазкур минтақавий медиакомпанияларнинг оммалашувига таъсир ўтказган бир қатор хусусиятлар аниқландики, булар:

а) ахборотнинг эксклюзивлиги;

б) воқеа ва ҳодисаларга «шарқона», яъни илгаридан «ғарб фуқаролари»га нотаниш бўлган нигоҳнинг пайдо бўлиши;

в) тарқатилаётган ахборотнинг кўп тиллиги, очиқлиги ва кенглиги билан боғлиқ ҳолда, ахборот таъсирининг кўламидан далолат беради.

Ижтимоий йўналтирилган ОАВ ҳамда Интернет тизимидаги ижтимоий тармоқлар ва блоklarнинг жаҳон сиёсий жараёнларига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этаётир. Ахборот хуружлари ва мафкуравий экспансия иқтисодий блокада ҳамда ҳарбий куч ишлатиш таҳдиди билан бирга кўзга ташланмоқда. Кибермакондаги стихияли тарзда амалга оширилаётган блогерларнинг даҳанаки жанглари, ур-сурлари, киберҳужумлар омманинг сиёсий жипслашишига, баъ-

зан эса содир этилаётган бундай жараёнларга жавоб тариқасида агрессив муносабат билдиришига сабаб бўлмоқда¹.

Кўпинча ахборот хуружлари «ёш мустақил давлатларда демократиянинг йўқлиги», «инсон ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш» деган баҳона ва сохта гаплар билан амалга оширилмоқда. Кейинги вақтда минтақавий сиёсий-маданий, иқтисодий ҳамкорликни бутунлай парчалашга ва буни амалга ошириш учун унинг атрофидаги мамлакатлардан плацдарм сифатида фойдаланишга, қонуний сиёсий ҳокимият ўрнига, миллий бойликларини арзон-гаровга трансмиллий корпорацияларга беришга тайёр бўлган, гарб идеалларини миллий қадриятлардан устун қўядиган кучларни ҳукумат тепасига чиқаришга қаратилган уринишларда турли ахборот технологиялари ишга солинмоқда.

Ахборот таҳдидлари билан боғлиқ яна бир ҳолат шуки, аксарият ҳолатларда иқтисодий танглик, ишсизлик ва қашшоқликка коррупция каби муаммолардан четдаги мафкура полигонлари фойдаланиб, турли ахборот хуружлари орқали мамлакатдаги барқарорликни издан чиқармоқчи бўлади.

Масалан, Мисрдаги сиёсий жараёнлар яна бир марта ушбу жараёнларнинг истиқболи мавҳумликлар билан боғлиқ бўлиб қолаётганининг амал-

¹ Г. Ибрагимова. Глобальное информационное пространство в условиях формирования нового мирового порядка. Автореферат на соискание кандидата политических наук. –Т., 2012, 14-б.

даги исботидир... (Ҳозирги вақтда мисрликларнинг сиёсий ҳаёти олдида янги дилемма – ё «муслмон биродарлари» сиёсатининг диний-фундаменталистик руҳи билан келишиш ва унга бўйсунуш, ёхуд замонавий дунёвий-демократик бошқарув тизими қадриятларини қайта тиклашни танлаш каби тўқнашувларга бой мавҳумлик даври бошланиб кетди. Ушбу мамлакатга қўшни бўлган Исроилда эса «аслида Ҳусни Муборак даври яхши давр эди» қабилдаги гап-сўзлар пайдо бўла бошлади. Лекин, ўзбекча айтганда, гишт қолипдан кўчиб бўлган эди).

Бундан сал илгарироқ Қирғизистонда бунинг бошқача кўриниши бўлган, «рангли инқилоб» юз бергач, у мазкур давлатда жамиятнинг маънавий дунёсига таъсир ўтказгани, ҳеч қандай раҳбарлик тажрибасига эга бўлмаган инсонларнинг турли лавозимларни эгаллаши йиллар давомида шаклланган бошқарув ва хўжалик тизимини издан чиқаришга олиб келганини унутганимиз йўқ. Давлат мулки, миллий бойликлар талон-торожд қилинди. Буларнинг барчаси ушбу мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари, аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига, ёш давлатнинг бўлиниш хавфига олиб келди. Миллий-этник кўринишдаги хунрезликлар юз берди.

Ёки ана шундай синовдан четда қолмаган яна бир ёш мустақил давлат – Украинада юз берган «инқилоб»дан бир йил ўтмар-ўтмас, бу ҳаракат «доҳий»лари ўртасида келишмовчилик, «сиёсий чайқовчилик» пайдо бўлгани ҳам ҳамон ёдимизда. Ўртада халқнинг аҳволи ёмонлашди, холос.

Бу юртда замонавий демократик қарашларга зид бўлган сиёсий муҳит шакллантирилди. Ёш авлодни тарбиялаш мутлақо мавҳум ва сохта сиёсий гоёларга бўйсундирилди.

Ахборот маконида жамият ёшларининг маънавий оламига таҳдид соладиган оммавий ахборот воситаларидаги геомафкуравий хавф-хатарларга жиддий разм ташлайдиган бўлсак, мустамлакачилик, бировларни қарам қилиш сиёсати янги асрда йўқолмаганини, балки ўзининг шаклу шамойилини ўзгартирганини тушуниб етамиз.

Аслида, ахборот маконида турли йўллар билан геосиёсий кучлар тўхтовсиз ушбу маконни назорат қилишни мақсад қилади. Натижада шакланган қоида ва ахлоқий нормалардан ўтиб, онгли равишда диний, миллий, ахлоқий қарашларга зиён етказадиган, керак бўлса, уларни бадном этадиган ахборотларни кўпайтириш асосий мўлжалларнинг бирига айланди. 2013 йил арафасидаги ахборот тўлқинида гарб давлатларининг бир жинсли никоҳларга қонуний рухсат берилгани ҳақида, жумладан, қиёмат куни «охир замон» ваҳимаси доирасида ахборотлар кетма-кет берилганини бир эслайлик. (Москва черковларининг бирида пан гуруҳи аъзолари томоша кўрсатгани бунга яққол далил бўлади. Рок гуруҳи аъзолари ёш аёллардан иборат бўлган. «Пусти Райт» деб аталмиш рок гуруҳининг ибодатхонадаги бу чиқиши ҳеч қандай ахлоқий-тарбиявий мезонларга тўғри келмас эди.) Аммо айрим оммавий ахборот воситалари бу воқеага фақат бир томонлама ёндашиб, айрим кучларнинг манфа-

атларига тўғри келадиган фактларга диққат-эътиборни қаратди, таниқли ғарб сиёсатчилари эса рок гуруҳи аъзоларини адолатсиз жамият қурбони сифатида ҳимоя қилишдан ҳам қайтмади. Буларнинг барчаси ана шу воқеа атрофида онгли равишда ахборотни сохталаштиришга олиб келди. Мақсад – бундай ҳаракатлар туфайли инсон онгини чалғитиш, оломон психологиясини бошқарадиган ахборот оқимини пайдо қилиш, одамларнинг ҳиссиётини жунбушга келтириб, тасаввурини манипуляция этишдан иборат).

Бугунги замон баркамол авлодни тарбиялашда рақибнинг ахборот соҳасидаги ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш, жумладан, ёшларнинг ахборот иммунитетини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Чунки, ахборот маконида кўпинча ўз турмуш тарзини ташвиқот қилиш, рақибнинг қадриятлар тизимини обрўсизлантириш каби миллий ўзлик туйғусига қарши қаратилган пинҳоний механизминини сездирмасдан, осонликча йўлга қўйиш кучайиб кетмоқда.

Бугунги кунда телевидениенинг ахборот маконининг улкан сарҳадларини қамраб олишдаги таъсири ва имкониятларини яхши биламиз. Ҳозирги ҳаёт тажрибаси телеканаллар туфайли аниқ ижтимоий ва сиёсий позицияга эга бўлмаган фуқаролар манипуляцияга кўпроқ дучор бўлаётганини тасдиқламоқда. Геосиёсий рақобатда ёшлар элитасининг маданий-маънавий, руҳий баркамолликни таъминлай олмаслиги ахборот тарқатишнинг энг қулай ва арзон восита сифатидаги аҳамиятини янада кучайтиради. Шунингдек, бун-

дай ахборотлар албатта миллатни маънавий синдириш, ахлоқий бузиш, ўз цивилизациясига нисбатан совуққонлик ва лоқайдликни кучайтириш хусусиятларини ўзида жамлаган бўлади. Масалан, бутунги кунда ўзларини феминистлар, яъни аёлларнинг ҳимоячиси сифатида танитаётган украиналик бир қанча ёш аёллар гуруҳи муайян сиёсий кучлар томонидан бошқариладиган, аниқ бир деструктив – вайронкор куч экани яққол сезилиб қолди. Улар кўпроқ фуқароларнинг диққат-эътиборини тортадиган жойларда, давлат раҳбарлари даражасидаги учрашувлар, халқаро кўргазмалар каби тадбирларда ярим яланғоч ҳолда ўз сиёсий фитнасини дунё аҳлига кўз-кўз қилиш йўлига бемалол ўтиб олишган. Таассуфки, етакчи ахборот марказларининг кўпчилиги айни шундай гайритабиий ҳодисаларга ишқибоздир, натижада ахборот оқимларида тарбиявий-маданий жиҳатдан бундай номақбул ҳолатларга йўл очилиб қолди.

Айнан ахборот орқали бирор сиёсий гуруҳ, партия ёки диний оқимлар, умуман, мухолиф кучлар ҳукуматга нисбатан муносабатни шакллантиришда катта куч сифатида фойдаланишга ҳаракат қилади. Замон зайли билан ҳар қандай шахс телевидение, радио, газета, журнал ва Интернетдан жуда кўп маълумот олмоқда. Оммавий ахборот воситалари институтлари туфайли баркамол авлодни шакллантириш гоёси эса мамлакатимиз шароитида ахборот хавфсизлигига тизимли, стратегик ёндашувни тақозо этмоқда. Табиийки, бундай шароитда унинг субъекти, объекти, уни

таъминлаш борасидаги муаммолар, мавжуд хавф-хатарларнинг манбаси ва ахборот оқимларнинг қайси томонга қараб кетаётганини аниқлаш тобора долзарб бўлиб бораверади.

Бундан ташқари, ахборот оламидаги таҳдидлар барча давлатларнинг миллий хавфсизлигига дахл қилиш жараёнлари кузатилмоқда. Юқорида айтганимиздек, АҚШда Интернет тармоғига чиқиб кетган фильм (муаллифи асли келиб чиқиши Мисрдан бўлган шахс, ҳозир унинг устидан суд жараёнлари АҚШда давом этмоқда), шунингдек, француз журналларининг бирида чоп этилган диний мавзудаги карикатура – масхараловчи расм халқаро иқтисодий, сиёсий муносабатларни издан чиқарадиган жуда катта норозилик тўлқинини вужудга келтирди. Бундан фойдаланган айирмачи кучлар ахборот ҳужумларини кучайтириб, миллатлараро тотувлик ва тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қилаётганини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин.

Юқоридаги сиёсий-тарихий таҳлилардан келиб чиқсак, авваллари иккита гигант давлат – АҚШ ва СССР ўртасида кураш борган бўлса, эндиликда сиёсат майдонига Хитой, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи, Япония, Туркия ва араб мамлакатлари кириб келди. Чунки, АҚШнинг бошқа минтақаларда ўз геосиёсатини олиб бориши учун сарф-харажатлар бир неча баробарга ошиб кетди. Ахборот қуроли орқали сокин кабинетда ўтирган ҳолда сиёсий можаро ва фитналар қўзғаш эса кўп жойларда иш бера бошлади. Сиёсий шантаж орқали бўйсундирилаётган бир қатор

давлатлар ўзга бир давлатнинг «қўғирчоғи»га айланиш ҳолати кузатилмоқда. Бу борада геосиёсий ва ахборот оламидаги устунлик муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолатлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги сиёсий жараёнларга, ҳокимиятнинг фаолият кўрсатиш механизми ва бошқа соҳаларни ёритиб бориш вазифаларига эътиборни кучайтиришни тақозо қилади.

Ўз навбатида янгиликлар кўпайгани сари мафкуравий хуружлар ҳам авж олиб боришини таъкидлаш лозим. Бунда оммавий ахборот воситалари – телевидение, радио, матбуот билан биргаликда Интернет тармоғи мафкуравий экспансияда асосий омилга айланади. Яъни, яна бир бор дунёни назорат қилиш геосиёсатида «ўргимчак тўри» – Интернетнинг аҳамияти ортиб боришига эътиборни қаратмоғимиз зарур. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар фан-техниканинг бундай камёб ихтиросидан яхшигина даромад топса-да, Интернет тизими инсониятга улкан зарар келтираётган манбага ҳам айланмоқда.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси оммавий ахборот воситаларининг ёшлар дунёқарашини шакллантириш борасидаги имкониятларидан фойдаланиш асосида ҳал этилиши лозим. Яъни, оммавий ахборот воситалари:

– ёшларнинг қалби ва онгига глобал ахборот-коммуникация маконида шаклланаётган саноқсиз, кўз илғамас тармоқлар орқали ижобий таъсир кўрсатиши;

– маънавий баркамол авлодни тарбиялашда ҳал қилувчи омил вазифасини бажариб, ғарбча «оммавий маданият»нинг ва бошқа салбий таъсирларнинг асл моҳиятини очиб бериши;

– ёшларга дезинформацион материалларнинг интенсив, тизимли асосда тезкор тарқалишини кўзлайдиган ахборот-психологик таъсир кўрсатиш услубининг амалиётга кириб келишини аниқлаб, уларга қандай жавоб бериш лозимлигини кўрсатиши зарур.

Шарқ ва Ғарб тамаддунидаги мавжуд салбий номутаносибликлар ОАВ институтларининг моҳияти бумеранглашуви эҳтимолини кучайтиради. Халқимизда «Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан», «Олдин пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур», «Қутурган ит эгасини қопади» қабиладаги нақллар бежиз айтилмаган. Ташқи сиёсий амбицияларни ахборотни ўта эркинлаштириш тамойили ҳисобидан кучайтириш хавфининг зарари бир кунмас-бир кун бу гоё муаллифларининг ўзига бумерангдек акс зарбасини бериши ҳеч гап эмас. Демак, бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг улкан имкониятларини мақсадли равишда аниқ бир мўлжалга йўналтириш катта аҳамиятга эга бўлади.

ЁШЛАРНИНГ ДУНЁҚАРАШИ ВА АХБОРОТ АСРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳон ҳамжамиятида салбий ахборот тўлқини тўғрисидаги баҳс-мунозаралар тобора авжига чиқиб кетмоқда. Бунда «Мен қайси ахборотга таянсам яхши бўлади?», «Ким ҳақу ким ноҳақ?» қабилидаги саволлар эркин жамият сари интилаётган ҳар бир фуқаро олдида ўзгача намоён бўлади. Ўз навбатида ҳозирги вақтда геосиёсат марказлари ахборот дунёсини ўз қўлига олишда ҳеч қандай ҳаракатлардан қайтмаётганини унутмаслигимиз муҳим бўлади.

Бугунги кунда етакчи давлатлар сиёсий элитаси дунёни янгитдан бўлиб олиш сиёсатини амалга ошириш учун бевосита ҳарбий конфликтга бориш бутун инсониятнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келишини тушуниб етмоқда. Улар ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун бир-бирининг чегараларига яқин жойдаги минтақалар, геосиёсий нуқтаи назардан муҳим бўлган ҳудудларда билвосита учинчи кучлар орқали беллаша бошлади. Шу мақсадда маблағ ва ресурсларни тежаб, кўпроқ самарага эришишга тинимсиз интилиш ахборот маконидаги геосиёсий рақобатга таъсир ўтказиш йўлларини ўзгартирди.

Яна бир бор тарихга мурожаат қилсак, собиқ СССР билан АҚШ жаҳонда гегемонлик килишга интилиб, жуда катга маблағ ва ресурс сарфлашга мажбур бўлганига амин бўламиз. Йиллар ўтиши билан эса урушлар ва ҳар хил жангари гуруҳларни ташкил қилиш, тайёрлаш, қуроолантириш каби харажатлардан кўра самарали бўлган мафкуравий воситалар ёрдамида ҳукмронликка эришиш, рақиб томонни яширин ҳолда таъсирга олиш долзарб бўла бошлади.

Айни пайтда ўтган асрнинг 80-йиллардан бошлаб «Совуқ уруш» ҳамда қурооланиш пойгаси туфайли тинкаси қуриган тоталитар-репрессив бошқарув усулига, иқтисодиёти маъмурий-бўйруқбозликка асосланган СССР АҚШ билан ўз муносабатларини илиқлаштиришга ҳаракат қилди. Чунки, бу пайтда халқ хўжалиги бутунлай издан чиқа бошлаган мамлакатда аҳволни ўнглаш учун Ғарбнинг ривожланган давлатларидан кўплаб қарзлар ола бошлади. Бу қарзлар эса маълум бир сиёсий ён беришлар орқалигина олинishi мумкин эди. Муайян ён босишлар иқтисодий ночор коммунистик шарқий Европа мамлакатларига нисбатан Кремлни геополитик манфаатларидан воз кечишга мажбур қилди. Бундан фойдаланган Ғарбдаги геосиёсий марказлар шарқий Европа мамлакатларида «бахмал» инқилоблар сериясини амалга оширишга имконият яратиб бера бошлади.

Ҳар қалай, мустабид шўро жамияти 1991 йилда бутунлай тугатилгач, дунёдаги кучлар муносабати ўзгариб кетди. Бутун бир бошли Европосиё қитъа-

сида ҳуқуқий жиҳатдан бутунлай мустақил суверен давлатлар пайдо бўлди. Шу тариқа АҚШ ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ўз эътиборини шарқий Европа мамлакатларини геосиёсий таъсирига олиш ҳамда дунёда мавжуд бошқа коммунистик режимларни (Куба, Хитой, КХДР) ҳам йўқотиш пайига тушди. Айни пайтда у Евроосиёда яккахуқумронликка тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ўзининг энг катта рақиби Россия Федерацияси эканини эсидан чиқармади.

Бундай мураккаб вазият мустақил давлатларнинг равнақи, тинчлиги, фаровонлигини муҳофаза қиладиган ахборот хавфсизлигини таъминлашда янгидан-янги тадқиқот йўналишларининг жорий этилишига олиб келди. Ахборот макони ва геосиёсий ўзгаришлар мавзусининг долзарблашуви тарих, фалсафа, сиёсий конфликтология, халқаро муносабатлар социологияси, халқаро журналистика каби фанлар уйғунлигини таъминлайдиган илмий-амалий жараёнларнинг тезлашишига ижобий таъсир ўтказди. Ёшлар дунёқараши билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг очилмаган қирраларини, унинг нозик жиҳатларини тушуниш, илмий англаш ва идрок этиш муҳим илмий концепцияларнинг пайдо бўлишига хизмат қилмоқда.

Яқинда, Европада буюк маданиятли давлат ҳисобланган Франция парламенти томонидан бир жинсли никоҳларга рухсат берадиган қонун қабул қилинди. Ҳатто, бундай оилаларга фарзанд

тарбиялаш учун рухсат ҳам берилди. Франция Европадаги шундай қонун қабул қилган 14-давлатдир. Таассуфки, мазкур қонунга қарши француз жамиятида ҳам кучли эътирозлар бўлишига қарамасдан, буни кўпчилик эркинлик ва демократиянинг бугунги тантанаси деб жаҳонга жар солди. Хусусан, сиёсий буюртмани қойилмақом қилиб бажарган парламент раҳбарининг табасум билан қонуннинг қабул қилингани тўғрисида баёнот берганини биз қандайдир ички нафрат, қалб исёни билан эшитдик. Бир қарашда беозор бўлиб туюлган бу баёнотнинг тагида нима ётибди? Бу билан инсоннинг фалсафий таърифи ўзгарадими? Шахс ва жамият тушунчаси-чи? Ахир, шахс аввало оилада, ота-она бағрида шаклланади, деган азалий қадриятлар қаерда қолди?

Минг афсуски, бугун Таврот, Инжил, Қуръони карим даврларидан бери униб-ўсиб келаётган турли элат, миллат ва халқларнинг генофонди, шундай ахлоқсизликларга маҳкум.

Бундай номаъқулчиликлар давом этаверса, фаҳм-фаросат, иймон, виждон, шарм-ҳаё, орномус билан боғлиқ инсоний фазилатлар, умуминсоний қадриятларимиз нима бўлади? Аслида, бу воқеликлар дунёвий билимлар орқали дунёқарашни бошқаришдаги янги рақобатдан дарак бермаяптимикиан, деган саволлар олдимизда пайдо бўлади.

Табиийки, бундай шароитда дунёқарашлар муаммоси бойликларни кўз-кўз қилиш, истеъмолчилик психологияси, ахлоқсизлик фалсафаси ўзагини ташкил қиладиган аморализм, лоқайд-

лик, «ўзи учун яшаш» каби иллатларнинг моҳиятини чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. Чунки, ахборот асрида бугун виртуал ҳаёт, онгни қайта дастурлаш, дезинформация, мияни ювиш, мафкуравий зомби қилиш, «оммавий маданият» каби янги илмий категорияларнинг қалқиб чиқиши – бевосита ёшлар фалсафий дунёқараши учун таҳдидли муаммолар янада чигал тус олишидан дарак бермоқда. Маълумки, азалдан ёшларда фалсафий дунёқарашни шакллантириш серқирра жараён бўлиб келган. Яъни, бугун теле-радио, интернет, матбуот дунёси муҳим минбар ролини бажармоқда. Улар жамият маънавий ҳаёти, хусусан, одамларнинг руҳий, ахлоқий покланишидан келиб чиқадиган ижтимоий институт мавқеига эга.

Демоқчимизки, ахборот асрининг шиддати олдимизга: бугун давлат қай даражагача ва қай йўсинда одамларнинг тафаккури, менталитетига ижобий даҳл қила олиши мумкин; инсон тафаккурига таъсир қиладиган ахборот манбалари кўпайиб кетган бир даврда жамиятнинг маънавий қиёфаси қандай талқин қилинмоғи керак, йўсинидаги саволларга ҳам аниқ-равшан жавобларни талаб қилади.

Бугун мамлакатимизда мазкур жараёнларда таълим-тарбиянинг моҳиятига жиддий эътибор берилган бир пайтда таълим-тарбияда либераллик хусусида тўхталиш зарур. Зотан, ҳозирги пайтда одамларни Ғарб ва Шарқ маданияти тўқнашуви доирасидаги турли менталитет, сиёсий қадриятларни яхлит қолипга солишга уриниш

тенденциялари хавотирга қўймоқда. Чунки, электрон оммавий коммуникациялар бугун чегара билмас қудратга эга, улар қисқа муддатда минг йиллик маданиятни оёқости, бадном қила олиш хусусиятлари билан бизга маълум бўлмоқда. Ёшлар қатламида эски анъанавий қадриятларни рад этиш, жумладан, кўпроқ оила, жамият масалаларида либерал ёндашувларга мойилликнинг кучайиши айна шу янги ахборот тўлқини орқали юз бермоқда. Хусусан, мутолаа, китобхонлик маданиятининг бугунги аҳволи, мумтоз театр санъати ўрнига тажовузкор шаклдаги блокбастерларнинг маънавий ҳаётимизга шиддатли кириб келиши тарбиявий жараёнларга ўз салбий таъсирини ўтқазмай қолмайди.

Яна бир муҳим жиҳати – жамиятнинг маънавий қўрғони бўлмиш оила инқирозининг Фарбдаги шиддати ёшлар дунёқарашида салбий асоратини қолдирмоқда. Бу борада авлодлар ўртасидаги мулоқотнинг даражаси, руҳий интеллектуал салоҳиятнинг бир-бирига боғлиқлиги таянч куч тарзида ўзини намоён қилиши муҳим роль ўйнаши керак эди.

Бундай ҳолатларга жавобан ўз даврида урушнинг қонли манзаралари, сиёсий қатағон, даҳшатли очарчилик давридаги азоб-уқубатларни бошидан кечирган кекса авлод вакилларига нисбатан илиқ муносабатимизни фазилат даражасига олиб чиқиш – ёшлар ўртасида ҳаётга енгил-елпи қараш, ўз маданияти ва цивилизациясига нисбатан совуққонлик билан ёндашиш, истеъмолчилик кайфияти билан боғлиқ салбий тен-

денцияларни сезгирлик билан бартараф этиш ҳиссини шакллантиришга ижобий таъсир ўтказган бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, албатта мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли маънавий-мафкуравий, тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Бунда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир. Айтмоқчимизки, теле-радио ахборотни ёшлар хуш кўради, аммо у тез унутилиш хусусиятига эга, матбуотдаги ахборот кечроқ берилса-да, унинг таҳлилий характери кўпроқ хотирамизда тасаввурларимизнинг жамланишига кўмаклашади, деган қарашлар масалани ойдинлаштиришга ёрдам беради. Бу ўринда таҳлилчиларнинг Интернет оламининг ахборот маконида мутлақо бошқа бир дунёлигига қайта-қайта ишора қилаётганини алоҳида қайд этиш керак. Бу тизим ёшларнинг аксариятини ўзининг домига тортиб бўлди. Яъни, «Facebook», «Twitter», «Одноклассники» ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар онгига Интернет қандай кучли таъсир ўтказаётганини кўриш мумкин...

ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТИ: ТАЖОВУЗКОР ҒОЯЛАРНИ АНГЛАШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бугунги кунда учинчи минг йилликдаги оммавий ахборот коммуникацияларининг тараққиёти халқаро хавфсизликнинг барча асосий параметрларини ўзгартирмоқда. Агар хавфсизлик тушунчаси илгари ҳарбий кучлар мувозанати, конфликтлар даражаси ва жаҳон уруши таҳдиди, жумладан, қуролланиш пойгасини тўхтатиш каби омилларга боғлиқ бўлган бўлса, эндиликда «ноанъанавий» таҳдидлар билан курашиш биринчи поғонага чиқди¹. Агар ўтмишда стратегик жиҳатдан жойларда разведка ва контрразведка устуворлик қилган бўлса, уларнинг ўрнини ахборот ва мафкура оқимларини таҳлил қилиш эгаллаб бормоқда. Улар орасидан агрессив бузғунчи ахборот ва ғоя фантомларини белгилаб олиш ва ўз вақтида фош қилиш таълим-тарбия доирасидаги давлат сиёсатининг муҳим бўғинига айланди. Бу эса шу йўналишдаги курашда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан унумли фойдаланиш масаласини тобора кучайтирмоқда. Айни шу маънода, Президентимиз Ислон Каримовнинг

¹ Халқаро терроризм, трансмиллий жиноятчилик, ноқонуний миграция, информацион диверсиялар шулар жумласига киритилмоқда.

қуйидаги фикрлари алоҳида диққатга сазовор: «...ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишда таълим-тарбия тизими, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий масалалар билан шуғулланадиган идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар ўз ҳиссасини қўшиши табиий, албатта, лекин бу борадаги оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсир кучи беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди»¹.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда 1294 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритиб, шундан 160 тага яқини газета ва журналлардир. 200 та веб-сайтнинг 30 фоиздан ортиғи болалар ва ёшлар мавзусини ёритишга қаратилган. Жумладан, ёшлар сиёсати йўналишида «Ёшлар» ва «Спорт» телеканаллари, Интернетдаги «ZiyoNET» ёшлар ахборот портали, 2863 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилган, Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони эса 10 миллионга яқинлашди ва уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этмоқда².

¹ И. Каримов. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т., «Ўзбекистон», 2009, 9-б.

² Ф. Солиев. «Ёшларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш масалалари». Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Т., ЎзМУ, 2012, 6,7,8-бетлар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.

Рақамлардан кўриниб турибдики, оммавий ахборот коммуникацияларининг тараққиёти, кўламига кўра, замон билан ҳамнафасдир. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Иккинчи томондан, ахборот инқилоби билан боғлиқ ўзгаришлар миллий оммавий коммуникация тараққиёти билан хорижий тараққиётнинг қиёсий талқинларини тақозо этмоқда. Албатта, бундай ёндашув оммавий коммуникациялар замонавий тараққиётининг мантиғини илмий ифодалашда, сиёсий-фалсафий ёндашувлар ранг-баранглигини таъминлашни кучайтиради.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти бўш вақтларини, ҳаттоки, таълим муассасаларида бўлиш пайтларини ҳам интернет-клубларда ўтказяпти. Натижада Интернет улар учун фақат ўйинлар оламига айланиб боряпти. Бундай ўйинлар бозорларда контрафакт дискларда сотилмоқда.

Қолаверса, Интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўларини тарғиб қиладиган 9 мингта, эротик мазмундаги 4 мингдан зиёд сайт мавжудлиги кўпчиликни ташвишга солмоқда. Компьютер ўйинларининг деярли ярмига яқини зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилмоқда, 42 фоиз бола ва ўсмирлар онлайн тизими орқали тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай қарам бўлиб қолган. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола миллатчилик

руҳидаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашган¹.

Устига устак, Евроньюс каналининг телехабарларига қараганда, ҳатто скандинав давлатларида ксенофобия ва радикализм билан боғлиқ ёшлар ҳаракати жонланиб қолган².

Демак, мафкуралар тўқнашуви оламидаги бундай нохуш ҳолатлар янги ноанъанавий муаммо – тажовузкор мафкураларга қарши мустақил позицияни мустаҳкамлашнинг янги даврини илмий идрок этиш, оммавий ахборот воситаларининг геосиёсий даражадаги масалаларни ҳал қилишдаги ролининг аниқ ифодаланашини талаб этади. Бинобарин, бутунги кунга келиб айни мафкура-

¹ Ф. Солиев. «Ёшларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари». Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Т., ЎзМУ, 2012, 118-б.

² Шведлар, норвеглар жамиятидаги барқарор, сокинлик фалсафаси ўрнига миллий нигилизм, қаҳр-газаб, адоват руҳи билан заҳарлаган тўдалар кўча-кўйларда кўпайиб фаоллашиш ҳолатлари кучайиб кетди. Натижада экспертлар бундан буён Интернетда радикализм, ирқчилик гояларини тарғиб этадиган турли блоглар, онлайн форумларининг очиқ-ойдин чиқишлари одатий ҳолат бўлади, дейишмоқда. Бундай агрессивлик қандайдир маънода ўзини оқлаши керак, деган қарашлар ҳам юзага чиқиб қолди. Бу нимани англатади? Наҳотки, мультикультуриализм, миллатлараро тотувлик гоясининг таназзулини Европанинги ўзи бошлаб берса? Айтмоқчи, 41 фоиздан ортиқ британияликлар иммиграцияга қарши бўлган партияга овоз бермоқчи (Евроньюснинг 2013 йил 15 февралдаги маълумотларидан)

вий таъсир ва тазйиқ ўтказиш давлатнинг энг асосий геосиёсий потенциали бўлмиш – миллий менталитет, маданият, одамларнинг ахлоқи ва эътиқоди, мустақил позициясини ўзгартириш қудратига эга. Буларнинг барчаси ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун ОАВнинг сиёсий функцияларидан унумли фойдалана олаётимизми, бундан буён оммавий коммуникацияларининг, айниқса, электрон оммавий коммуникацияларининг шиддатли тараққиёти инсон онгини манипуляциялашни қай тариқа давом эттириб боради, ахборот оламидаги рақобатнинг аниқ илмий-сиёсий, тарихий-фалсафий талқинига эга бўла олдимки, деган саволларни олдимизга долзарб қилиб қўяди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш, давлат ва жамиятни модернизація қилиш жараёнлари оммавий коммуникацияларни ривожлантириш мавзусига мутлақо янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Чунки, давлат ва жамият олдида айни оммавий ахборот коммуникациялари тараққиётигина сиёсий-ғоявий, маънавий-руҳий коммуникациянинг асосий таянчи сифатида улкан имкониятларни келтириб чиқариш қудратига эга. Бу – масаланинг *бир томони*.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари ва ёшлар муаммосига бағишланаётган ҳозирги аксарият тадқиқотлар ёшларда шаклланаётган менталитет ҳамда уларнинг миллий-руҳий интеллектуал салоҳияти билан боғлиқликда акс этаётганини таъкидламоқчи эдик. Глобаллашув даврида ҳар

қандай мустақил давлатнинг стратегик келажәги, унинг хавфсизлиги ва сиёсий барқарорлиги кўпроқ айна ана шу масалалар доирасида белгиланади. Бу бежиз эмас. Зотан, миллатнинг истиқболи – бу айна глобаллашув шиддати талабларини тушуна олган ва англаган ёшларнинг дунёқарашида намоён бўлади. Сирасини айтганда, оммавий ахборот воситалари институтлари орқали шаклланаётган ижтимоий-илмий муҳит ҳам мазкур жараёнларнинг бевосита таъсирида бўлиши аниқ.

Маълумки, ўтган 2012 йил давомида жаҳон оммавий ахборот воситаларининг аксарияти араб дунёсидаги айрим мамлакатлар ёшларининг вайронкор, тажовузкор хатти-ҳаракатлари тўғрисида ахборотлар бериб борди. Жумладан, бу ахборотлар баробарида мазкур давлатлар етакчиларининг кўпчилиги томонидан ёшлар тарбиясида сусткашликка йўл қўйилгани тўғрисида ҳам афсус-надомат билан қайд қилинди. Юқорида таъкидлаганимиздек, «Фейсбук твиттер ёшлари даври» ёшларнинг дунёқарашида ўзига хос чалкашлик ва мураккабликларни келтириб чиқариши равшанлашиб қолди. Жаҳон ёшлари психологиясида оддий оилавий, ота-она-фарзанд муносабатлари, китоб мутолаа қилиш маданияти, диний-миллий қадриятларга муносабатлар совуқлашиб, бегоналашиш тенденциялари кучайди. Электрон оммавий коммуникациялар инқилоби ёшлар тафаккурига катта куч билан кириб келди. Виртуал ҳаёт туфайли, масалан, Жанубий Кореяда бундан беш-олти йил муқаддам берилган маълумотларга

қараганда, юз минглаб ёшлар ота-оналари билан гаплашмай қўйган. Ривожланган давлатларнинг баъзи ёшларида эса одамовилик, окультизм, садизм, суицидликка берилиш одатий воқеликка айланиб қолганини таъкидлаш лозим. Бундай сиёсий-маънавий тангликка кўпроқ ўша мамлакатлардаги муҳит сабабчи, улардаги ҳозирги мутлақ эркинлик даври ёшларнинг дунёқарашида маънавий инқирозни кучайтириб юборди.

Масаланинг жиддий томони шундаки, ёшларнинг дунёқарашига боғлиқ тадқиқотлар сўнгги ўн йилликда кўпроқ ёшлардаги диний фундаменталистик қарашларнинг глобал тараққиёт учун таҳдиди борасида бўлиб қолган эди. Ҳарҳолда, аксарият тадқиқотларда кўпроқ диний экстремизм, ёшлар ўртасида жиноятчилик, наркомания ва ишсизликнинг кучайиши каби социал муаммоларга урғу бериб келдик. Бундай мавзулар кўпроқ собиқ СССР ҳудудидаги мамлакатлар мисолида илмий талқин этилди. Демократия ва маънавият, ёшлар ва сиёсат борасида таҳлилларга эътибор қаратар эканмиз, ўзига тўқ Ғарбдан миллатчилик, ирқчилик, бир жинсли никоҳларни кўз-кўз қилиш, тинч аҳолига террор қилиш каби ташвишли хабарлар чиқишини хаёлга ҳам келтирмас эдик.

Албатта, шиддатли глобаллашув ўзининг кучини тобора намоён қилаётган ҳозирги босқичда бундай воқелик зиддиятли тус олди. Айни шу ҳолатнинг ўзи ОАВ билан боғлиқ таҳлиллар учун кундан-кунга долзарблашаётган қуйидаги илмий муаммоларни, яъни глобаллашув ва ёшлар дунё-

қарашида бепарволик, миллий ва диний қадриятларни рад этиш, миллатчилик, диний фундаменталистик ҳиссиётларни бартараф этишда, ёшлар билан мулоқотда ва уларни ҳал этиш йўлларини қидириш бўйича янги замонавий кўникмаларни шакллантиришни назарда тутиши керак.

Учинчидан, бутунги кунда четдаги айрим вайронкор кучлар томонидан миллий психология ва тафаккурни ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар глобал таҳдид даражасига айланмоқда. Ахборот маконидаги маънавий-маданий муаммолар абстракт назарий эмас, балки узоқни кўзлаган геосиёсий моҳият касб этмоқда. Аста-секин оммани бошқара оладиган ахборот технологиялари цивилизациялар руҳий оламининг ўзаги, ич-ичидан амалга оширишгача бўлган тажовузкор кўлам касб этмоқда.

Ахборот ва мафкура оламидаги бундай рақобат авж олган бир даврда оммавий ахборот воситалари орқали гоёвий тарбия олиб боришнинг мазмуни шундаки, у бевосита таълим тизими билан биргаликда тажовузкор мафкураларга қарши мустақил позицияга эга бўлишни сингдириб бориш, уни жадаллаштиришни назарда тутиши жоиз. Айниқса, электрон коммуникациялар – телевидение, радио, Интернет орқали фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, ўз олдига аниқ мақсад қўя олиш, тарихий хотирага ҳурмат, ўз кучига ишониб яшаш, ислоҳотлар жараёнига муносабат билдириш, урф-одатларни, анъаналарни билиш, инсонни олий қадрият сифатида тушуниш йўли билан мавжуд таҳдидларга қарши туриш

мақсад қилиб қўйилиши керак. Жумладан, миллий ахборот маконида эзгу, идеал гоёларни «маърифат – шижоатдир» тушунчасини, огоҳлик, бунёдкорлик, ижтимоий фаол бўлиш, маънавий юксалиш, глобаллашувнинг моҳиятини англаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, «оммавий маданият» нима экани, унинг хавфини билиш, мустақилликни, миллий байрамларни, маросимларни англаш тушунчалари ўз ифодасини топиб бормоқда.

Тўртинчидан, олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги геосиёсат ва медиатаълим каби йўналишларнинг ўйғунлигини таъминлаш орқали эса юқоридаги фазилатлар янада мустаҳкамланиб, уларни ҳаётини фаолият мезонига айлантириб бориш мақсадга мувофиқ. Тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилган таълим муассасаларида талабаларда мустақил фикрга эга бўлиш, ўз кучига ишонч, ислоҳотларда фаол иштирок этиш, урф-одатларни, анъаналарни асраш, демократияга ҳурмат билан қараш, эзгу гоёларга садоқат, маърифатни ёт гоёларга қарши қўя билиш, огоҳликни, бунёдкорликни, маънавий юксакликни намоён этиш, жамоа ташкилотлари ишида фаол иштирок этиш, мафкуравий таҳдидга қарши кураш, глобаллашувнинг салбий жиҳатларини билиш, юрт тинчлигини сақлаш, демократиянинг экспорти моҳиятини фох этиш фазилатлари намоён бўлмоқда.

Яъни, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бошқариш ҳозирги замон меъёрлари асосида мафкура соҳасида фаолият олиб боришнинг

самарали усул ва услубларини қидириб топиш зарурлигидан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситаларининг сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган имкониятларни янада кенгайтиришни тақозо этади.

Шунингдек, матбуот ва электрон коммуникациялар ўртасидаги асосий фарқларни таснифлаш бўйича муайян илмий қарашлар масалани ойдинлаштиришга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз¹. Уларда, юқорида айтганимиздек, матбуот оператив ва эмоционалиги билан бошқа соҳалардан орқада қолса-да, лекин таҳлил қилиш бўйича бошқалардан устунлик қилади. Бу эса ўқувчилар онгига ишончли ва чуқур таъсир кўрсатади. Теле-радио ахборотлари эса эътиборни тезда тортса-да, тез унутилади. Интернет ахбороти эса жуда кўп одамлар мурожаат қиладиган, тез-тез янги-ланадиган, журналистлар томонидан тайёрланган ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларни оммага етказувчи сайтлар орқали тақдим этилади.

Маълумки, сиёсий тизимларда оммавий коммуникацияга эҳтиёжнинг жамият ҳаёти билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги, ҳозирги ахборот технологияларининг инқилоби ОАВ имкониятлари динамикасига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Яъни, демократлаштиришнинг бир неча ўн йиллар давомида жиддий синовларни бошидан ўтказиши халқнинг, миллатнинг сиёсий менталитети, жум-

¹ Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотлар стратегияси ва эришилган натижалар. -Т., «Академия», 2010, 223-228-б.

ладан, шу жамиятда мавжуд бўлган оммавий ахборот воситалари институтларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи, интеллектуал салоҳияти ҳамда профессионал маҳоратига бевосита боғлиқ жараён бўлиб қолаверади. Ёшлар дунёқараши билан боғлиқ ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблиги айна шу ҳолатлар билан белгиланади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазаларнинг инобатга олиниши, баён қилинган муаммоларнинг гуманитар илм вакиллари – файласуфлар, социологлар, психологлар, педагоглар, маданиятшунослар томонидан биргаликда комплекс тадқиқ этилиши, тегишли илмий хулоса ва ечимлар ишлаб чиқиши, фикримизча, нафақат ёшларнинг, балки жамиятимизнинг бошқа тоифалари, умуман юртимиз барқарорлигини, хусусан, ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

ЖАҲОН СИЁСАТИДА ЁШЛАР ОМИЛИ

XX асрда Европада интеграциялашув жараёнларининг чуқурлашуви Европа Иттифоқи деган янги институтционал тузилманинг дунё сиёсий сахнасида пайдо бўлишига олиб келди. Европа Иттифоқи Президенти лавозими таъсис этилди. Ҳарҳолда, Лиссабон шартномаси тантанаси бугунги Европанинг қатор демократик кучлари томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинган эди. Кўпчилик мазкур қудратли геосиёсий маконнинг сиёсий бошқаруви таркибида Европа президенти сиёсий институти жорий қилинганидан ҳам хабардор. Демак, бундан буён минтақа давлатларининг ёшларга доир сиёсати бутун кўлами билан мазкур интеграциялашув жараёнларининг таъсирида бўлиши кутилади.

Бу ўз-ўзидан Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга нисбатан дипломатик сиёсатидаги ўзига хос динамикада ҳам акс этса керак.

Бугунги кунда Ахборот тўлқинларида Марказий Осиё, Европа Иттифоқи, Шимолий Африка, Кичик Осиё, МДҲ ёшлари билан боғлиқ сиёсий можаролар алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Аксарият таҳлилий ахборотларда фақат ма-

даний ва динлараро мулоқотлар, сиёсий келишувлар мазкур муаммоларга нуқта қўйиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

Аслида, сиёсий натижаларнинг ечими кўп жиҳатдан етакчи геосиёсий минтақалардаги интеграция жараёнларининг мантигидан келиб чиқади. Буни доимо ёдда сақлашимиз, тезкор хулосаларга келишимизда назардан қочирмаслигимиз зарур. Жумладан, халқаро дипломатиянинг бундай пайтда икки томонлама ўйналадиган шахмат ўйинига қиёсланиши ҳам бежиз эмас. Айни Европа Иттифоқи, Марказий Осиё, ШХТ, БРИКС, АСЕАН доирасидаги мулоқотларда айтилиши мумкин бўлган ёшлар ва сиёсий экстремизм мавзуси ва бошқа масалалар бундан мустасно эмас. Мисол учун, Европада ягона президентлик институтининг таъсис этилиши, янги Президентининг ташқи сиёсати кўпдан-кўп саволарни туғдириши мумкин эди. Ҳатто, Европанинг ўзида минтақавий бирлашув гоёси билан минтақаларда етакчиликка даъвогарликка ҳаракат қилаётган баъзи давлатларнинг геостратегик гоёлари тўқнаш келиши мумкинлигини сеза бошладик. Демак, халқаро муносабатларнинг айни шу мантигидан келиб чиққан ҳолда, давлатлараро юз бераётган айрим келишмовчиликка, низоларга ҳолисона ва асосли ёндашиш жоиз.

Ахборот маконида ҳарбий-стратегик ҳукмронлик, газ, нефть каби захираларга эгаллик қилиш туйғуси, азалий маданий-мафкуравий босим ўтказиш хатти-ҳаракатлари – буларнинг барчаси

бугунги кундаги геосиёсий рақобатда ўзининг сўзини айтишга улгурмоқда.

Жаҳон сиёсий сахнасидаги интеграциялашув бунга чек қўя олармикан? Масалан, Европанинг бугунги интеграциялашуви ҳамда Европа Иттифоқи президенти дунёдаги геосиёсий куч марказларининг мувозанатига ўзининг таъсирини қай даражада ўтказди? Келажакда ёшлар онги ва тафаккурида глобал ва минтақавий хавфсизлик муаммолари қандай акс этаётгани ҳақидаги саволларга жавоб берадиган мулоқотларга талаб жуда катта.

Ўттиз йилдан бери афгон диёри дунёдаги етакчи давлатларнинг сиёсий қарама-қаршилиги ва халқаро вазиятдаги таранглик даражасини белгилайдиган ўзига хос барометр ролини ўтаб келмоқда. Афгон можаросини ҳал қилишдаги сиёсий келишмовчиликлар оқибатида юзага келаётган вазият унга қўшни бўлган давлатларга ҳам таъсир қилишига олиб келди. Яқин ўтмишимизда Тожикистондаги фуқаролар уруши, Қирғизистон ҳудудида диний-экстремистик, террористик кучларнинг фаоллашуви, халқаро наркотрафик жараёнларининг Марказий Осиё республикаларидан то Европагача чўзилиб кетиши, ишсизлик ва бошқа муаммоларнинг кучайиши бунга мисолдир.

Аммо жаҳон тараққиётининг ўзаро алоқадорлиги, давлатлараро чегаралар муаммоларининг мавжудлиги Евроҳудуд хавфсизлигини тўла кафолатламайди. Ҳозирги пайтга келиб катта давлатлар учун у буфер, санитар макон ролини ўйна-

ши қийин. Шунинг учун ҳам афгон можаросидан келиб чиқадиган таҳдидлар бошқа минтақа давлатларининг хавфсизлигига бевосита таъсир ўтказиши мумкин.

Ахборот ва мафкура соҳасидаги қарама-қаршиликлар асосида ёшлар ўртасида норозилик ва тўполонлар ташкил этиш технологиялари борасида турли қарашлар авж олиб кетди ва бу ҳолнинг халқаро хавфсизликни таъминлаш жараёнига салбий таъсири яққол сезилмоқда. Чунки, учинчи минг йилликда давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашда иқтисодий ҳолатнинг устунлик қилиши халқаро ташкилотлар орасида ҳам кучли рақобатни келтириб чиқарган. Кўпинча мазкур ташкилотларнинг бошқарув аппаратлари шундай қарорга келяптики, бу эса нафақат айрим давлатлар, балки баъзи трансмиллий компанияларнинг манфаатлари бутун дунёда ҳимоя қилинишига олиб келмоқда. Мана шундай рақобатга мисол қилиб, ЕҲТТ, Европа иттифоқи ва НАТО фаолиятини келтириш мумкин. Собиқ СССР ҳудудидаги давлатларга «гарб демократияси» ғоялари моделини фуқаролик жамияти институтларига ёрдам бериш баҳонаси билан тикиштириш, айниқса, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий тараққиётига зид бўлмоқда.

Иккинчидан, христиан ва ислом динлари ўртасидаги мулоқот бўйича давом этган учрашувларда жаҳон динларидаги толерантлик, меҳр-мурувват, ҳалоллик ва виждон эркинлиги асослари хусусида кўп фикрлар алмашилган эди. Ҳар қалай,

Гарб ва Шарқ ўртасидаги мулоқотнинг амалий аҳамиятини кучайтиришда тенг баҳс-мунозараларнинг тақчиллиги мавжуд. Бу ўринда гап икки хил менталитет, икки хил тажриба ва икки хил дунёқарашнинг яхши маънодаги илмий-мунозарали тўқнашуви ҳақида бормоқда.

Айни шу руҳдаги мулоқот маданияти ижтимоий ҳаётнинг турли муаммолари ва уларнинг ечимига ижобий таъсир этади. Айниқса, *ёшлар миграцияси муаммоси* қай тарзда талқин этилишидан қатъи назар, бундан буён мулоқотларга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб боради, деган умумий фикрларга олиб келиши аниқ. Чунки, ҳозир ривожланган Европа ўз ҳудуди ичида *исломлашув жараёнларини* бошидан кечирмоқда. Табиийки, Европадаги бундай шиддатли ўзгаришлар қўшни цивилизация бўлмиш Шарқ билан ҳам муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган ҳаракатни кучайтиради.

Маълумки, мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуқлиги ва демократиялашувига, узвий равишда амалга ошириладиган гоёвий тарбияга таянади¹.

Биз бугун Марказий Осиёнинг тараққиёт тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ўз мисолида полиэтник жамиятларда динлараро тотувлик мумкин эканини исботлади, деб бемалол айта оламиз.

¹ Миллий гоё: тарғибот технологиялари ва атамалари лугати. –Т., «Академия», 2007, 200-б.

Шунингдек, айрим минтақаларда ахборот асри туфайли рақобатнинг кескинлашуви ёшларда умумбашарий қадриятларга нисбатан салбий муносабатларининг кучайишига олиб келмоқда. Дунёдаги халқаро сиёсатга таъсир қилишга ҳаракат қилаётган ахборот ва мафкура марказлари журналистикасининг диққати айнан шу нуқтага қаратилди...

Юз минглаб ёшлар ота-оналари билан одадий мулоқотни йўқотмоқда, ёшлар ўртасида космополитик-индивидуализм ғояларининг чуқурлашиб бораётганини афсус билан қайд этмоқчимиз. Шу тариқа хориж амалиётида ҳам хавфсиз интернет тушунчасига ёндашувлар кўпайди.

Айтиш жоизки, Европа мамлакатларида интернет масаласини умумевропа қонунчилиги билан бир қаторда ҳар бир давлатнинг ўз ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солиниш амалиёти мавжуд. Европа хавфсизлик кенгашида интернет муаммолари вақти-вақти билан муҳокама қилинмоқда. Масалан, Германияда 1997 йилдан бошлаб ёшларга зарар келтириши мумкин бўлган материалларни текширадиган федерал бошқарма фаолият кўрсатмоқда. Унинг ваколатлари доирасига нобоп ва сотишга рухсат этилмаган маҳсулотларнинг (ОАВ, китоблар, видеофильмлар ва компьютер ўйинлари) рўйхатини тузиш ва мазкур йўналишда қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари киради. Ҳозирги вақтда Голландия, Швейцария, Дания, Япония, Хитой, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар қо-

нунчилигида ёшларнинг руҳияти ва маънавий ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатгани учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган¹.

Масаланинг жиддий томони шундаки, ёшлар тарбияси борасидаги тадқиқотлар сўнгги ўн йилликда кўпроқ ёшлардаги диний фундаменталистик қарашларнинг глобал тараққиёт учун таҳдиди борасида бўлиб қолган эди. Ҳарҳолда, аксарият тадқиқотларда диний экстремизм, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик ва ишсизликнинг кучайиши каби социал муаммоларга кўпроқ ургу бериб келдик. Бундай тадқиқотлар кўпроқ собиқ СССР ҳудудидаги мамлакатлар миносида илмий талқин этилди. Демократия ва маънавият, ёшлар ва сиёсат борасидаги масалаларни таҳлил этар эканмиз, ўзига тўқ Ғарбдан миллатчилик, ирқчилик, тинч аҳолига қурол билан террорлик ҳаракатлари содир этиш, бир жинсли никоҳларни кўз-кўз қилиш каби ташвишли хабарлар чиқишини илгари хаёлга ҳам келтирмас эдик.

Ёшлар дунёқарашида бепарволик, миллий ва диний қадриятларни рад этиш, миллатчилик, диний-фундаменталистик ҳиссиётларни бартараф этишда, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, *«Шарқона муносабатлар илмини эгаллаш»*, уларни ҳал этиш бўйича замонавий кўникмаларни шакллантириш керак.

¹ З. Қодирова. Ахборот хуружининг ёшлар дунёқарашига таъсири. Тўплам. Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. –Т., ЎзМУ, 2012, 151-б.

Бугунги ахборот асри, улкан имкониятларга эга бўлишига қарамасдан, инсониятнинг мураккаб муаммоларни тўлиқ ҳал этиш, айтиқса, ёшлар дунёқарашини шакллантиришда мукамал тизимга эга эмас. Шу маънода, бизнинг минтақамиз ёшларига нисбатан тарбия стратегиясини яхши тушуниш, уни илмий идрок қилишда айти шу социомаданий асосдаги тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Албатта, Осиё марказида жойлашган ҳамда ислом дунёсининг узвий қисми ҳисобланган Марказий Осиё минтақасининг Хельсинки ҳужжатига қўшилиши, ЕҲХТ га аъзо бўлиши – Европадаги жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши бу борада қўшимча имкониятлар беради.

Бу борада Президент Ислом Каримов *«Бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб ўз ўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юришиш ҳам сиёсий ҳамда фуқаровий калтабинликдан бошқа нарса эмас»*, – деб ўринли таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда турли бегона ва сохта гоюларга қарши гоювий иммунитетни кучайтириш жоизлиги янада чуқур ҳис қилина бошланди. Айти шу ҳолатни олдиндан назарда тутиб, Президент Ислом Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида бегона гоюлар ўз таъсирини ўтказа олмайдиган, унга қарши кураша оладиган иммунитет зарурлиги гоюсини Ўзбекистоннинг геосиёсий аҳволи, унинг келажагига мувофиқлаштирган ҳолда асослаб

берган эди. Хусусан, Йўлбошчимиз томонидан: «*Ҳар қандай касаликнинг олдини олиш учун, аввало киши организмда унга қарши турадиган иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий имунитетини кучайтиришимиз зарур*», – деб алоҳида таъкидланганди.

Зотан, ёшларнинг психоэмоционал аҳволини ташқаридан туриб назорат қилиш имконияти кучайиб кетаётир. Хусусан, сиёсий можаролар кучайган бир паллада инсон онги ва тафаккурига сиёсий-ғоявий тазйиқ ўтказиш, унинг таъсири ва инсон томонидан (далилларнинг сохталашуви, зомбилаштириш кабилар) натижасида қарор қабул қилиш ҳолатлари яққол сезилмоқда. Бу ерда яна бир бор мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги тушунчасини ўзида комплекс қамраб олиши мумкин булган сиёсий омиллар ҳақида ҳам сўз айта олишга қодир замонавий методологик-тадиқиқотларга ишора қилмоқчимиз.

Ўзбекистон қадимдан ислом динининг илмий-назарий марказларидан бири бўлиб келди. Мустақилликка эришгач диёримизда демократия тамойилларига мувофиқ барча динлар жамият маънавий ҳаётининг муҳим пойдевори вазифасини ўтай бошлади. Мазкур масала доирасида ҳам Ўзбекистоннинг глобал ахборот муҳитига кириб бориши билан улкан ахборот тўлқинига тўқнашишига тўғри келди.

Айтмоқчимизки, ахборотнинг глобаллашуви радикал исломий гуруҳларга мусулмон жамиятларига осонликча кириб бориш имконини берди. Бу ҳолат, шубҳасиз, Ўзбекистон учун ҳам катта хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин эди. Чунки, ахборотлашувда «ҳудуд» омили ўз ўрнини йўқотар экан, диний ёки этник уюшишга асосланган радикал қарашдаги гуруҳлар ўз гоёларини янги демократик жамиятлардаги мавжуд зиддиятлар, камчиликлар, норози кайфиятлардан фойдаланган ҳолда сингдиришга уриниши кузатилади.

Ҳозирги пайтда радикал диний гуруҳлар интернет орқали узоқ минтақалардан туриб ҳеч бир тўсиқсиз мусулмон жамиятлари ёшларига ўз таъсирини ўтказиш имкониятига эга. Диний ақидапарастларнинг Интернет тармоғига муносабатидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, уларда бу тармоқ стратегик восита сифатида баҳоланиб, улар биринчи навбатда гоёвий-мафкуравий хуружни айнан интернетдан фойдаланган ҳолда мувофиқлаштириш йўлига шиддат билан киришди.

Жумладан таҳлиллар:

– диний ақидапарастликни ёйиш орқали Ўзбекистонда демократик ислоҳотларга, давлатга ишончни йўқотишга уриниш;

– диний экстремизм тарафдорлари диндорларнинг умумий сонига нисбатан жуда озчиликни ташкил этса-да, уларнинг таъсирига тушганлар ҳисобидан жамиятда муте ва қарам, фаолиятсиз кишилар сонини орттириш;

– диндорларни сунъий равишда «сохта» ва «ҳақиқий»га ажратиб, уларнинг ўртасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқариш ва шу тариқа хориждаги нотинч ҳудудларда жангариларни тайёрлаш учун замин тайёрлаш;

– Ғарбга «исломлаштирилган», Шарқда эса аксинча, «динсиз», «даҳрий» шаклда кўрсатиб, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсига путур етказишга уриниш, ислом цивилизацияси билан ноисломий цивилизациялар ўртасида ялпи қарама-қаршиликни кучайтириш каби жараёнлар орқали ўзини кескин намоён қилаётгани ўринли тарзда қайд этилди.

Демак, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш, унга нисбатан кескин чоралар механизмини ишлаб чиқиш ҳар бир суверен давлат – жамият учун энг асосий масала бўлиб қолаверади.

Ислоҳотлар тақдири, демократлаштиришнинг самарали натижалар бериши ва истиқболи эса кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситаларининг ёшларда ижтимоий-сиёсий фаоллик, ақл-заковат ва фидоийлик фазилатларини шакллантирадиган муҳим институт сифатидаги вазифасини қай даражада бажараётгани билан боғлиқ бўлиб қолаверади. Вақт, замоннинг ўзи ёшлар онгида демократик қадриятларнинг чуқур идиз отиши, ўзининг ижтимоий бурчини тушуниш ва ҳақ-ҳуқуқларини янада кенгайтириш истаги, юксак маънавий-маърифий савияга эга бўлиш, ўз манфаатларини онгли идрок қилиш сингари қадриятлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда омма-

вий ахборот воситаларининг самарали фаолияти нақадар муҳим эканини бугунги кунда амалда тасдиқламоқда.

Замонавий дунёнинг геосиёсий харитасидаги сўнгги жиддий ўзгаришлар айнан ёшлар қатламининг дунёқараши, хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ экани барчамизга аён ҳақиқат. Ахборот дунёсидаги инқилобий ўзгаришлар эса ёшлар тарбияси билан машғул барча мутахассислардан глобаллашувнинг салбий тенденцияларидан келиб чиқадиган асосий муаммоларни қайта, янги-гича руҳда англашни тақозо қилмоқда. Буни ҳаммамиз чиқур англаб олишимиз зарур.

МУНДАРИЖА

Глобаллашув даврининг ўзига хос муаммолари ва ёшлар тарбияси	3
Ёшларнинг дунёқараши ва ахборот асрининг ўзига хос хусусиятлари.....	16
Оммавий коммуникациялар тараққиёти: тажовузкор ғояларни англашнинг янги даври	23
Жаҳон сиёсатида ёшлар омили	34

ДАВРОН МУИТОВ
АХБОРОТ АСРИДА ЁШЛАРНИНГ
ДУНЁҚАРАШИ

Тошкент «Маънавият» 2013

Махсус муҳаррир *М. Қаршибоев*
Муҳаррир *О. Бозорова*
Мусаҳҳиҳ *О. Пардаев*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишта 02.12.2013 й. да
рухсат этилди. Бичими 84×108 1/32. Baltica гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 2,52. Нашр т. 2,92.
3000 нусха. Буюртма №38. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 25-13.

Муитов, Даврон.

М 81

Ахборот асрида ёшларнинг дунёқараши /
Д. Муитов; Республика маънавият ва маърифат
кенгаши, Миллий гоя ва мафкура илмий-ама-
лий маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2013.
48 б.

УЎК: 37.017.92

КБК: 74.9

1850
1851
1852
1853
1854
1855
1856
1857
1858
1859
1860
1861
1862
1863
1864
1865
1866
1867
1868
1869
1870
1871
1872
1873
1874
1875
1876
1877
1878
1879
1880
1881
1882
1883
1884
1885
1886
1887
1888
1889
1890
1891
1892
1893
1894
1895
1896
1897
1898
1899
1900



МОГ

000 r

000 r

Manoviyat

ISBN 978-9943-04-222-3



9 789943 042223